АҲМАД ДОНИШ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедова Зебинисо Азизовна
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти. Бухоро, Ўзбекистон.
E-mail: axmedova.zebiniso@bsmi.uz

Аннотация: Мақолада Аҳмад Донишнинг ахлоқий қарашлари, инсон ва уни тарбиялаш масаласи, инсоний фазилатлар, хусусан асарларидаги ватанпарварлик, саховат, камтарлик, самимийлик, одамийлик, бағрикенглик, сабрлилик, меҳнатсеварлик масалалари таҳлил этилган. Донишнинг таълим-тарбия борасидаги қарашлари бугунги кунда катта аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Аҳмад Дониш, ахлоқий қарашлар, инсоний фазилатлар, таълим, тарбия, миллий қадриятлар, тарихий мерос.

Аннотация: В статье анализируются нравственные взгляды Ахмеда мудреца, вопрос о человеке и его воспитании, вопросы человеческих качеств, в частности патриотизма, щедрости, смирения, искренности, человечности, терпимости, терпимости, трудолюбия в его произведениях. Взгляды мудреца на воспитание приобретают сегодня большое значение.

Ключевые слова: Ахмад мудрый, нравственные воззрения, человеческие качества, образование, воспитание, национальные ценности, историческое наследие.

Annotation: the article analyzes the moral views of Ahmad Donish, the issue of Man and his upbringing, human qualities, in particular the issues of patriotism, generosity, humility, sincerity, humanity, tolerance, patience, hard work in his works. Wise's views on education are of great importance today.

Keywords: Ahmad wisdom, moral views, human qualities, education, upbringing, national values, historical heritage.

Кириш

Аҳмад Дониш асарларида ватанпарварлик, саховат, камтарлик, самимийлик, одамийлик, бағрикенглик, сабрлилик, меҳнатсеварлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг ғоялари ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Агар инсон ҳар бир ишни қазо ва тақдирга топшириб, ўз ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни топишга ялқовлик қилса, тақдирда менга керакли нарсалар, масалан, уй-жой, оила, кийим-кечак ва озиқ-овқат ёзилган бўлса, мен меҳнат қилмасам ҳам ўз-ўзидан келаверади, деган фикрда бўлса, маълумки, «бундай одам ўз йўлини билмаган дунёдаги энг тубан даражадаги аҳмоқлардан ҳисобланади, чунки тириклик учун зарур бўлган бу тўрт

ISSN 3030-3907

нарсани топиш ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Бунинг учун аввал тириклик манбаи бўлган илм ва ҳунар ўрганиш зарурдир.

Аҳмад Дониш илм тушунчасини юксак баҳолаб, инсон ҳаётидаги энг бебаҳо неъмат сифатида талқин қилади. Халқимизнинг бебаҳо мероси саналган Қуръони Каримда биринчи нозил бўлган оятларнинг биринчи сўзи "Икро" (ўқи) буйруғи билан нозил бўлди. Шунинг ўзи динимизда илмга қанчалик эътибор қаратилганлигига далолат қилади. Қуръонда илм тўғрисида жуда кўплаб оятлар нозил бўлган. "Илм" сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли маънолари билан келган.

Янги ўзбекистон Конституциясида илм ҳақида шундай фикрлар келтирилган: 50-модда "Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади".

Ижтимоий фаоллик, тафаккур жўшқинлиги, интеллектуал салоҳият, бетакрор қобилият орқали инсон баркамоллик даражасига эришади. Тақдирни сабаб билиб, дангасаликка, боқимандаликка берилиш эса, инсонни ва жамиятни таназзулга олиб келади.

"Инсон нима учун яратилган, яратилгандан сўнг унинг яхшилиги нимада ва у нимани хоҳлаши керак?", - деган иборалар билан Аҳмад Дониш "Наводир ул-вақое" китобининг муқаддимасини бошлайди. Инсон, унинг яратилиш сабаблари, инсон ҳаёти, олам ва одам масалалари, унга инсоннинг муносабати мутафаккир қарашларнинг диққат марказида бўлган. "Ҳар ишнинг ҳақиқатини инсон оча олади. Инсон тана ва руҳдан иборат мавжудот бўлиб,унинг туганмас бахти илм ва маърифатдадир" , - деб таъкидлайди. Дониш шундай ёзади, инсоннинг ихтиёри ўзида бўлса, илмсизлик ва дангасизликка бўйин эгмасин, чунки илм ва маърифат руҳнинг истаги бўлиб, роҳатпарастлик ва дангасалик нафснинг тилагидир. Руҳ қуввати яхшиликка буюрувчи ва ёмонликдан сақловчидир, нафс қуввати эса ёмонликка юргизувчи ва яхшиликдан қайтарувчидир"

Ақл тана билан боғлиқ ва моддий бўлганлиги учун ҳам унинг билишда чегараси бор. У арш билан боғлиқ ҳодисаларни билишга қодир эмас, дейди мутафаккир. "Руҳ шундай басит гавҳардирки, у ҳаёт оламини яратиб, ажойиб

ISSN 3030-3907

ва ғаройиб санъатларни юзага чиқишига воситадир. Оламдаги юлдузлар, унсурлар, ҳайвонот, наботот ва маданият руҳ туфайли ободдир” , - дейди Аҳмад Дониш. Унинг фикрича, руҳ иккига ажратилган, унинг энг аълоси ва мусаффоси инсонга сингдирилган. Энг тубан даражадаги қуйқумлари инсонга хизмат этиш учун яратилган ҳайвонларга берилган. “Руҳнинг табиий манбаси юракдир”, дейди Аҳмад Дониш. Тана руҳ учун қолип вазифасини ўтайди, қолип бузилса руҳ ҳам безовта бўлиб, бу танани тарк этади. Руҳнинг қуввати тананинг соғломлиги ва қуввати билан боғлиқ. “Тан қафасининг соғлом бўлиши тўрт унсурнинг баробар тенглашиб туришига боғлиқдир”, деган фикр Аҳмад Дониш инсон танасини тўрт унсурдан тузилганлигини эътироф этишидан далолатдир.

Аҳмад Дониш руҳни икки хил: бири таркибсиз басит ва иккинчиси мураккабдир, деган фикрни баён этади. “Бутун коинот Оллоҳдан тушган дастлабки ҳаёт нурининг шуъласини басит руҳ, дейдилар. Аносур оламини пайдо қилиб асли мақсад бўлган инсонни ер юзига чиқариш учун арш остидан бошлаб фалаклар, юлдузлар, ой ва қуёшларга ўтган руҳларни мураккаб руҳ деб айтадилар”. Мураккаб руҳ аввалги баситлик вақтидаги софлик сифатини йўқотганлигидан, уни тозалаб аввалги ҳолига қайтариш вазифаси инсонга юклатилгандир, дейди мутафаккир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР. Аҳмад Дониш Ўрта Осиё олимлари ичида биринчи бўлиб, давлат қонунларини илоҳиёт билан эмас, ақл ва тажриба билан боғлайди. У: “Давлат ва ақл-бир-биридан ажралмас”, “Агар давлат қонун-қоидалари ақл тамойилларига мос ҳолда тузилмаса, бундай давлатдан яхшилик кутиб бўлмайди”,-деб таъкидлайди. Ақл деб давом этади Аҳмад Дониш, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида ҳукмрон бўлиши ва инсонларни тўғри-ҳидоя йўлга бошламоғи зарур. Бундан келиб чиқди, у илм кишилари, донолар, мутахасислар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий ўрин эгаллашлари, давлат маслаҳатчилари бўлиб жамият ва давлат бошқарувида иштирок этишларини талаб қилар эди.

Аҳмад Донишнинг фикрича, давлатнинг энг биринчи вазифаси – халқ ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Шунинг учун ҳокимлар давлат иқтисодиётининг юксалиши, каналлар қазиш, сув омборлар, йўл, кўприк қуриш, ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини қайта ишлаш, халқни маърифатли қилиш, фан ва техникани ривожлантириш, мактаб, махсус ўқув юртлари очиш ҳақида қайғуришга мажбурдилар. Бу билан Аҳмад Дониш давлат вазифаларининг ижтимоий манфаатларга бўйсунишини кўрсатган эди.

ISSN 3030-3907

НАТИЖАЛАР. Ҳар бир одам дўстликни ва биродарликни қадрлаши, ҳатто ёмон одамнинг ҳам яхши томонларини излашини маслаҳат беради. “ Агар, - дейди Дониш, - биров билан суҳбат қурмоқчи бўлсанглар, ўз сифати билан халқга яқин бўлган, ақлли, ҳушёр кишилар билан дўстлик алоқасини боғланглар. Чунки оқил одамлар ҳеч кимга ёмонликни хоҳламайдилар. Ақлли одамларниг аломати улардаги яхшиликнинг кўпроқ бўлишида ёки баробар бўлишидадир. Бундай одамлар олимлар, қалам аҳллари ичидан топилади. Булардан бошқалари билан дўстлик қилмоқ бўлсангалар, у вақтда ундай одам ҳеч бўлмаганда бирорта ёмон феълдан сақланган одам бўлиши шарти… Агар дўстларингизни бирор ёмон томонини билсанглар ва уни бу йўлдан қайтаришга кучларинг етса, уни қайтаринглар. Агар буни қилмасанглар, ҳамма билан яхши муомалада бўлинглар. Чунки дунёда айбсиз дўст топилмайди”.

Аҳмад Дониш кишиларни фаол ғайратли бўлишга, ўз ишларига ўралиб қолмай, қайси йўл билан бўлса ҳам ўзгалар учун, халқ учун фойда келтиришга, бағрикенг бўлишга даъват этади. У асардаги бўлажак ишларнинг албатта амалга ошиши ҳақидаги қуйидаги ҳикоясини келтиради. Халифа Хорун ар-Рашид сафарга кетаётганида кўчат экаётган кишини учратган. Ундан “Бу қайси дарахтнинг кўчати?” деб сўраганда, у киши “ёнғоқ кўчати” деб жавоб берган. “Бу кўчат қачон ҳосил беради? деб сўраганда, “Йигирма йиллар ичида ҳосилга кирада” деган жавобни олади. “Сен ўзинг қариликдан алжиб қолибсан, шунча меҳнат қилиб экканинг билан фойдасини кўролмасанг, сенга нима фойда?” деб савол беради. Шунда чол, “Экиб кетилганларнинг мевасини биз едик, энди биз ҳам экиб кетайлик, ўзимиз еёлмасак бошқалар есин”, деб жавоб беради. Бу мисол билан аллома инсонларни нафақат ўзи, балки ўзгалар дарди,ташвишлари билан ҳамоҳанг яшашга, меҳр-мурувватли ва сахий бўлишга чақирган .

Инсон бахти ва келажагининг асоси меҳнатда эканлигини таъкидлаб, у ўз ғайрати ва ҳаракати билан мақсадига эриша олади, деб ёзади. Дониш “Наводир ул-вақоеъ” асарида Мулло Хол ва Шукурбек саргузаштларини баён этади. Шукурбек Вобкент туманидаги Косагарон қишлоғида яшаган, кейин Бухоро шаҳрига келган. Шукурбек бой, судхўр, амалдорлар мол-мулкини тортиб олиб камбағал ва илм толибларига берган. У ҳақида бир неча ривоятлар ҳам мавжуд. Унинг қабри Бухоро шаҳрининг Жон Қубот (ёки Жонқувад) маҳалласида – шаҳар девори ташқарисида бўлиб, XIX аср охирларида вужудга келган “муқаддас” авлиё (қабр) ҳисобланади. Халқ ўз халоскорини қаҳрамон сифатида зиёрат қилган, аммо кейинроқ “авлиё” даражасига кўтарилган. Аҳмад Дониш шундай мисраларни келтиради :

ISSN 3030-3907

“Шукурбек олийҳиммат киши эди, бахил бойлардан молларни олиб, бечора кишиларга, илм аҳлига ва мадраса талабаларига инъом қилар эди”. Мутафаккир Шукурбек образи орқали бағрикенг, камтарин, сахий, халқпарвар, фидоий, адолатпарвар инсонлар ҳақида ҳикоя қилади.

МУҲОКАМА. Мутафаккир “Нодир воқеалар”да инсонлардаги хислатларни мажозий образлар билан қиёсий таҳлил қилиб берган. Жумладан, “Ваҳший шернинг ҳиммати ва мурувватига доир” деб номланган ҳикоясида қуйидаги воқеани келтиради. “Хожа Муҳаммад авлодидан Ҳожазода Аскоф ҳикоя қилади; ўтин териш ва келтириш мақсадида “Қурби дашт” (жазо олган кишилар мазкур даштга юборилган) га борган эдим. Ўтинларни териб бир неча жойга тўплаб қўйдим. Яна кўпроқ ўтин йиғиш мақсадида бир қанча йўл босдим. Кун тунга айфланди. Манзилга етгандан кейин етарлича ўтин йиғдим. Ана шу вақтнинг ўзида рўпарамдан шер чиқиб қолди. Шер мен томон югуриб келди. Мен эса ундан қўрқиб, жойимда қотиб қолдим. Эшитган эдимки, хушомадгўйлик билан шерга мулоқот қилса, инсонга раҳм қилармиш. Қўрқувга тушиб, тилим сўзлашга бормай, товуш чиқармасдан ичимда айтар эдим: Шерхон менинг ҳолимга раҳм қил, мен сенга қасд қилиш учун олдингдан чиқмадим. Фақатгина пул топиш мақсадида келдим. Шер таслим бўлганимни пайқаб, менга яқинроқ келиб, кўзлари билан мени назорат қилар эди. Ушбу ваҳший ҳайвон рўпарамда икки оёғида ўтириб, кўзларини очиб ва ёпиб,ўнг ва чап томонга қараб, думини ликиллатар эди. Англадимки, у менга меҳрибонлик қилиш ниятида. Панжаларини диққат билан кўздан кечирсам,оёғига тикан суқулиб, йирингланиб оғриқни кучайтиргани ва шу сабабли ёрдам сўраганини сездим. Шерни оёғидаги йирингларни тозалаб, жароҳатини боғладим. Қарасам шер у ёқдан, бу ёққа югуриб юрибди. Шер семиз қўйни елкасида кўтариб мен томон югуриб келди ва қўйни ташлаб кетди. Қўйни уйга олиб келдим ва бир неча кун боқдим. Ҳикоянинг натижаси шуки, душманнинг сендан бошини эгиб, узр сўраб, дўстликни раво кўрса,уни албатта қабул қилиш керак” . Шу нуқтаи назардан, Аҳмад Дониш фалсафий қарашларида инсон муаммосини ҳал этишга ҳаракат қилинган.

ХУЛОСА. Аҳмад Донишнинг бу фикрлари катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб, у ёшларни маърифатли, зукко, сабр-бардошли, ҳалол, пок виждонли қилиб тарбиялаш, уларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш масалаларини илгари сурган. Аҳмад Дониш ёш авлоддан эзгу ниятли, ҳимматли, жасоратли бўлишни талаб этади, уларга ҳар бир ишни бажаришга онгли суратда киришишни маслаҳат беради. Масалан, ҳиммат ҳақида сўзлар экан, одамларни ҳеч бир жонли мавжудотни ранжитмасликка,

ISSN 3030-3907

худо яратган жониворларга мурувватли бўлишга, ҳаттоки дон ташиб бораётган чумолига ҳам озор бермасликка даъват этади, чунки ҳар бир танада ҳаёт гўзаллиги мавжуддир.

Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари мамлакат ривожида алоҳида аҳамиятга эга. Унинг XIX аср иккинчи ярмида вужудга келган ғоялари бугунги кунда ўз ифодасини топаяпти. Аҳмад Дониш давлат ва ақл, давлат ва мулк ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштирди; адолатли, маърифатпарвар ҳукмдор ғоясини ривожлантирди, унинг мажбуриятлари, вазифаларини кўрсатиб берди; диний ва дунёвий илмларга ижобий муносабатини баён этди; бахтли ва фаровон ҳаёт учун курашди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1.Ахмад Дониш. “Наводир ул-вақое”. Теҳрон нашри, 1960-yillar.
2.Ахмад Дониш. “Рисола дар фалсафа ва ахлоқ”. (Тўпламларда чоп этилган фалсафий ва ахлоқий рисолалари).
3.Зоҳидов Ҳ. “Ахмад Дониш – маърифатпарвар мутафаккир”. – Т.: Фан, 1960.
4.Назаров Қ. “Ахмад Дониш ва унинг маърифий фаолияти”. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
5.Усмонходжаев И. “Ахмад Донишнинг фалсафий ва ахлоқий қарашлари”. – Т.: Фан, 1995.
6.Ғаниев Э. “Ахмад Дониш – ислоҳотчи мутафаккир”. – Тошкент Ислом Университети нашри, 2003.
7.Беруний А. “Танланган асарлар”. Ахлоқ ва фалсафага оид таълимотлар. – Т.: Фан, 1975.
8.Юлдошев И. “Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ахлоқий фикрлар ривожи”. – Т.: Университет нашри, 2010.
9.Саидмуродов А. “Ўзбекистонда маърифатчилик ва фалсафа”. – Т.: Ёзувчи, 2007.
10.Ахмедов А. “Ўрта аср Бухоросида маърифат ва ахлоқий ғоялар”. – Самарқанд, 2012.
11.Раҳмонов Ш. “Ахмад Донишнинг ахлоқий қарашлари ва замонавий маънавиятга таъсири”, // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, №2, 2020.
12.Мирзаев А. “Ахмад Донишнинг фалсафий мероси ва ахлоқий идеаллари”, // “Ўзбекистон таълими”, №4, 2018.

ISSN 3030-3907